

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тоштак

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 82 — 83.

(2502 — 2503).

1992 йил

1 СЕНТЯБРЬ

СЕШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ

БУГУН УЛУҒ АЙЁМ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНМОҚДА

Бош майдон. Кўчалар алвонлар елкиндан лоззор. Баланд иморатлар тепасидан карнай садолари эшитилади, унга жўровоз бош майдондан ҳам карнай-сурнай, ногора оҳанглари янграйди. Кўҳна байрам кўйи — "Дучава" чалинди.

Осмонга тезуچار вертолётлар кўтарилди. Республикамиз миллий байроғи ранглари кўкда ял-ял товланади. Шу таҳлитда гўеки ўтмиш билан юз кўришадигандек. Шодиенанинг ушбу дебоҳа қисмида фольклор дастаси, қўшма ҳарбий оркестр иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти озод юрт аҳлини қутлуғ айём билан муборакбод этди.

Тарихимизда биринчи бор Ўзбекистон миллий гвардиясининг ҳарбий паради бўлди. Парад қўмондони Президентга, ва Мудоффа вазирга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қисмлари тантанали маршга шай турганлиги ҳақида ҳисоб берди. Сўнгра майдондан Ватанимиз посбонлари — аскарлар ҳамда жанговар техника саф тортиб ўтди. Бу — қўшимчиз Ўзбекистон суверенитети ва халқимиз осойишталигини муҳофаза этишга тайёр ва қодир эканлиги намойишидир. МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК — бу айём шиори.

Бугун байрам. Мустақиллик майдонидан гурас-гурас одамлар ўтади. Чиройли кийинган болаларнинг шодон қийқириғидан биринчи куз осмони титрайди. Ҳамманинг дилида қувонч, ҳамманинг лабида кулгу. Чунки бугун Она юртимиз қайта туғилди.

Унинг тарихи шонли сана — 1991 йил 1 сентябрдан бошланди, десак муболаға бўлмас.

Ўзбекистон собиқ совет республикалари ичида биринчилардан бўлиб мустақиллик йўлини танлади. Бу борада сўзсиз Президент Исроҳ Каримовнинг сиёсий донолиги, қатъияти ва шахсий жасорати бор. Шу сабаб серқуёш дийримиз ҳаётимизда тамомла янги давр очилди.

Ўзбекистон жаҳон халқларининг мустақкам оиласига кирди, мусулмон дунеси билан ўзининг тарихий илдизларини қайта тиклади. Пухта ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсатини изчил олиб бормоқда. Бу эса бутун дунёда маъқулланаётганлиги жаҳон матбуотида эътироф этиляпти.

Эндиликда биз 120 дан зиёд нуфузли мамлакатлар билан эркин ва мустақил алоқа ўрнатдик, уларнинг 45 таси билан элчионалар даражасида дипломатия муносабатлари боғланди. Бизни расман тан олишгани шу-да!

Бугун байрам. Жонажон Ўзбекистоннинг жаъми шаҳар ва районларида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда улуғ кунга бағишланиб халқ сайиллари ўтказилади. Озодлик муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



— Жоним болам! Қара, яхшилаб қара. Қандай ажойиб, қандай яхши-я! Оҳ, тезроқ келақолсайди... Сен нега ҳайрон боқасан? Ёки ана у томондаги шодлик, бахтиёрлик мурғак тасаввурингга сиғмаяптими? Болагинам! Қўй, ҳайрон боқма. Кул, кўнғироқдек кулгуларинг билан ҳамманинг тинчини буз. Ахир ўша — элас-элас кўриниб турган маскан — сени келажагинг!

Суратни Жўра БОБОРАҲМАТ олган.

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРАДИ



ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ. Жуда мураккаб ва масъулиятли касб. Ҳозирги кундаги қатор ижтимоий сабаблар боис жиноятчилик авж пардага минган. Бу касб эгаларига жуда оғир. Устига устак ҳар томондан "милиция умуман ишламаяпти" қабилдаги таъна тошлари ёғилиб турибди. Жиноятчи қаердан пайдо бўлаяпти, деган савол ҳеч кимнинг кўнглини безовта қилмаётгандек. Гўеки жиноятчилар билан фақат милиция шугулланиши керак, вассалом.

Биргина пойтахтимизнинг Яккасарой райони ички ишлар бўлими ходимларининг фаолияти ҳақида икки оғиз сўз юритсак. Бўлим аэропорт ва темир йўл шохбекатлари жойлашган ҳудудда иш олиб боради. Шунингдек, тўқимачилик, тўқимачилик машинасозлиги каби йирик саноат корхоналари, Тошкент темир йўл товар бекати сингари иншоотлар ҳам шу ўрамда.

Самолёт еки поездда келаётган меҳмонларнинг орасида дайдилар, кидирувдаги жиноятчилар, жиноят қилишга мойил кимсалар истаганча топилади. Булар энди Яккасарой райониданги тўб жиноятчилар устига қўшимча. Лекин шундай бўлишга қарамай, ички ишлар бўлими самарали иш олиб бормоқда. Айниқса содир этилган жиноятларни очиш, жабр кўрган кимсаларга мадад бериш йўлида иш олиб бораётган тергов бўлинимаси ўз натижалари билан шаҳар бўйича юқори ўринларни эгаллаб турибди. Эришилган ютуқларда бўлима бошлиғи ўринбосари милиция капитани Фахриддин Зиёмовнинг ҳам хизматлари алоҳида.

Ф. Зиёмов 1984 йили Тошкент Олий милиция мактабининг иттиёзли диплом билан тугатиб, шу ерга хизматга келган. Ўз шижоати ва ҳаракатчанлиги боис қисқа муддат — бир йил ичида терговчиликдан бўлима бошлиғи ўринбосари лавозимига кўтарилди. Етти йилдирки, шу вазифада ишлаб келмоқда. Икки қизи, бир ўғли бор. Сўхбатлашсангиз, баҳри дилингиз очилади. Куйиб-пишиб гапиришларига маҳлиё бўлиб қоласиз. Лекин ўзи ҳақида гапиришни у қадар истамайди. Бир сўз билан айтганда, касбига содиқ инсон.

Даврон АХМАД.

СУРАТДА: Ф. Зиёмов.
Муаллиф олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗИМИЗНИКИ

Мана, бугун юртимизда шодиёна, асрий орзуларимиз рўёби — мустақиллик кенг нишонланмоқда. Деярли ҳар бир кишининг юзида табассум. Бу табассум шунчаки эмас, у узоқ йиллар қор остида қолиб кетгану энди биринчи бор саховатли қуёшга юз тутаётган бойчечак мисол истиқлол инъикоси. Интиқ бўлиб, ишониб-ишонмай кутган шу истиқлол муборак бўлсин, заҳматкаш юртдошларим!

Инсофу имон билан мулоҳаза юритган киши ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий ҳаётимиздаги қувончли воқеада милиция ходимларининг ҳам ҳиссалари салмоқли эканлигини инкор этмайди. Демак, эгнига форма кийган ҳар бир осойишталик посбонини бугунги кун билан қутлашга тўла ҳаққимиз бор.

Сир эмас, мана шу фикримизни айрича қабул қиладиганлар ҳам топилади. Негаки кўксимизга шамол теккунгача бўлган даврда милиция ва халқ ўртасидаги жарликни бартараф этишга, унинг обрўйини кўтаришга, беҳаловат хизматларини кўпчиликка

кўрсатишга маълум маънода имконият бўлмади. Собиқ СССР ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган, тўғрироғи зўрлаб тиқиштирилган буйруқ ва кўрсатмалар бош ва энг муҳим тўсиқ эди. Улар минтақамиз шартига мос келадими-йўқми — бажарилиши шарт эди. Бугун эса ана шундай тазйиқлардан батамом ҳолимиз. Ўзбек милицияси ўз халқини юракдан севишга, унинг осойишталигини муҳофаза қилишга тўла маънода ҳақли ва бурчлидир бугун. Ва бу борада мустақиллик асосига қурилган иш услубио йўлига эгадир у.

Яна шу нарсани таъкидлаш жоиз: бугунги истиқлол тантанаси — тўла галаба дегани эмас. Энди атак-чечак қадам ташлашга уринаётган бола мисол ёш ва нозик у. Уни ёмон кўзлардан асрашимиз, мустақамлашимиз лозим. Чунки мустақиллик — меники, сизники, ҳаммамизники...

М. МАМАЖОНОВ,
Андижон вилояти.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

Ангижон

ПУШАЙМОН

Адолат ҳар доим ҳарор топавермаслиги мумкин. Қаллобликнинг оқибати ҳар доим ҳам қаллоб учун ёмон тугайвермаслиги мумкин. Эҳтиётсизликнинг оқибати ҳар доим ҳам вой бўлавермаслиги мумкин. Лекин... лекин бир кун келиб ўша адолатсизнинг, қаллобнинг, эҳтиётсизнинг суягу-қатикдан иборат мияси аянчли якун деб аталмиш тошга бориб шундай уриладики! Ана шунда мошдек очилган кўзларнинг авваллари сўқир бўлганлиги, автоматдек ишлаб кетган қалланинг авваллари ачиган мия эканлиги ҳақида эзилиб-эзилиб ўйлашнинг бир пуллик нафи бўлмай қолади.

Балиқчи районининг Чинобод ип-газлама корхонасига қарашли ошхонанинг ошпази А. Эшматов ва унинг ҳамкасблари бундан буён ҳар куни пушаймон ўтининг аччиқ тутунидан бўғиладиган, унинг алангасида жизиллаб ёнадиган бўлишди. Чунки айнан уларнинг эҳтиётсизликлари натижасида А. Эшматовнинг етти яшар ўли еттинчи августкунги ошхонадаги газ плитасидан чиққан ёнғининг аччиқ тутунидан бўғилди, кейин алангада ёнди, кейин нобуд бўлди...

Э. САТТОРОВ.

Наманган

ВАСВАСА

Кулай десанг кулолмайсан, куяй десанг куёлмайсан иккита ҳамқишлоқнинг қилган ишларини кўриб, Узаро арзимаган жанжал сабаб бири мажруҳ бўлди, бири марҳумлар қаторидан жой олди.

Чортоқ районидagi Мучум қишлоғи Мирзаев ва Жўрабоевларнинг кўним тошган жойи. Қишлоқнинг фақир одамлари қаторида ризқ териб юрган кишилар эди. Лекин 11 август куни ростакамига уларнинг икковларини ҳам жин урди. Ҳар бири ўзининг чап елкасидаги шайтоннинг буйруғини сўзсиз бажаришди. Шайтон ёқалашига мажбур қилганида Жўрабоев болтани олди-да, рақибининг бошига аямай туширди. Шундан сўнг қилмишидан шунчалар ваҳималандики, ишхонасига — Чортоқ алоқа бўлимига келиб, биринчи ва охириги қилган иши ўзини ўзи... осий бўлди.

Кулай десанг кулолмайсан, куяй десанг куёлмайсан...

Ўз мухбиримиз.

Сурхондарё

БЎЙНИДАН ОТДИ

Яқинда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон районида қизик воқеа рўй берди. Навоий кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Э. Кимнинг кўнглидан нималар кечгани ёлғиз ўзигагина маълум. Кеч соат 22ларда ов милтигидан ўқ узиб, ўзининг бўйинини жароҳатлаб қўйди. Унинг мерганлик санъатида қойил қолса арзийди, бироқ қўллари милтиқ билан ўз бўйига беҳато уришга етадиган даражада “узун”лигини ўйлаб ёқа ушламасдан илож йўқ.

Қорақалпоғистон

БИР КЕЧА-КУНДУЗДА

Бошидан сочма ўқ билан яраланиб, ҳаёт билан видолашган аёл ким? Бу жумбоқни Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус райони ИИБ ходимлари бир кеча-кундузда ечишди. Содир этилган жиноят излари ҳали совумасданоқ, зудлик билан кўрилган чора-

тадбирлар натижасида ушбу қотилликка қўл урган Нукус Давлат дорилфунунининг ўқитувчиси А. Назархонов ва Туямуён сув-канал ишлаб чиқариш хўжалигининг ишчиси Ж. Абдумуратовлар эканлигини аниқланди. Улар ушланиб, қурол тортиб олинди. Марҳума эса шу дорилфунунининг жисмоний тарбия катта ўқитувчиси, 1943 йилда туғилган Н. Сарғубоева экан.

С. СИДДИҚОВ.

Тошкент

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ

Гоҳида шундай вазиятлар юз бериб қоладики, у дунёю бу дунё қилишга жазм этолмайдиган ишга қўл урасиз. Мажбур бўласиз шунга. Ўша вазият бир зумда сизни ёлғончи, тўхматчи ва ҳатто қотилга ҳам айлантириб қўйиши мумкин. Тошкент вилоятининг Оҳангарон районида истиқомат қилувчи Қурбонов ҳам ўзи кутмаган равишда бир инсоннинг қотилига айланди. Вақтидан аввал умрига нуқта қўйди. У қотиллик қилишга мажбур бўлганди. Йўқса, кимдир унинг қотилига айланиши аниқ эди.

13 август куни 26 ёшли Болтабоев, 23 ёшли Холматов ва Ҳақимовлар Қурбоновнинг уйига бостириб киришади. Мақсад уй эгасининг бузилмаган водопроводини тузатиб бериш бўлмаган, албатта. Буни сезган Қурбонов уларни кўшогиз милтиқ билан кутиб олди. Қалтис ҳаракатлар, ножўя қилиқлар кўпаявергач, Қурбонов боқинчилардан бирини мўлжалга олди ва тепкини босиб юборди. Қолган иккитаси жонсиз ўртоқларини ташлаб, тўшпа-тўғри “сомонхона”га қараб қочиб кетишди.

С. ЭРКИНОВ.

ОМАД ЎН БАРОБАР ПАСАЙДИ

Исломийдин ҳамкасби Зухрадан ҳар бири 32 сўм бўлган “Чашма” виносининг 100 шипасини 3200 сўмга олиб, устига шунча бўш шиша ҳам берди. Нияти, ўзи асли дўкондор бўлсада, тадбиркорликда ҳам бир омадини синаб кўриш эди.

Биринчи кун иши юришди: 40 шиша винони 320 сўм “соф даромад”и билан пуллди. Иккинчи кун эса омад юз ўғирди. 4 шиша “Чашма”ни 32 сўм фойдасига пуллаётганда қўлга тушди.

Янгийўл район халқ суди уни тўрт йил муддатга ахлоқ тузатишга ҳукм қилди.

ҚЎШ ЎҒРИЛИК

Киров номли ўқув тажриба хўжалигининг Чехов кўчасида истиқомат қилувчи Комила Акбарованинг уйига ўғри тушди. Номатўлум кимса дераза орқали кириб, 1500 сўм пул ва нархи 350 сўм бўлган ялтироқ матони ўғирлаб кетганди.

Комила қўл силтаб қўяқолди. Орадан икки ой ўтиб яна уйини тунаб кетишди. Бу сафар анча-мунча нарсаси олишганди. “ВТ” сигаретидан тортиб, Югославияда ишлаб чиқарилган аёллар туфлисигача гум қилинганди.

Буни уй эгалари кечга яқин билиб қолдишди. Ўшга милиция аралашди. Лекин шусиз ҳам ўғри кимлиги аниқ бўлиб қолган эди. У шу яқинда турувчи, ҳали уйланмаган Маҳмуд деган йигит бўлиб чиқди. Олдинги сафар ҳам ўғирликка шу йигит тушган экан.

Ўрта Чирчиқ райони халқ суди уни уч йил муддатга мажбурий хизматга жалб қилди.

М. ҲАКИМОВ.

БУЮРМАГАН ЭКАН

Тонг саҳарда Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси, Олмазор кўчасида истиқомат қилувчи Аъзам ака ҳаяжонланиб кириб келди.

Унинг ташивишли гап оҳангидан маълум бўлишича, ҳовлисида бир улоқчи оти ва уч бош қорамолини ўғирлаб кетишибди. Бундай пайтда вақтни бой бермаслик керак. Тажрибали ходимларимиз ҳар

дақиқанинг қадрига етишади.

Дарҳол иккита тезкор гуруҳ тузилиб, бунга участка вакили Собир ҳам жалб этилди. Гуруҳ аъзолари ишни ҳайвонларни етаклаб кетиш мумкин бўлган асосий йўналишни текширишдан бошлашди. Орадан 40 дақиқа ўтгач, Олмазор кўчасида яшовчи Карим исмли йигит гумондор сифатида ушланди. У эрта саҳарлаб қаердандир келаётган эди.

Орадан икки соат ўтиб от ва моллар эгасига қайтарилди. Ўғирланган ўлжалари буюрмаган ўғри устидан жиноий иш кўзгатилиб, тергов олиб боришмоқда.

Ю. ЁҚУБОВ,

Тошкент район ИИБ бошлиғи муювини.

Хоразм

ГАЗ БАЛОН ИШЛАТГАЧ...

Хива районидаги Хива жамоа хўжалигида яшовчи Аллаберган Раззоқовнинг уйига Хива шаҳрида истиқомат қилувчи 39 ҳамда 35 ёшли В. К. ва А. Б. лар бостириб киришди. Газ балон ишлатиб, пул ва қимматбаҳо буюмларни олиб қочишди. Район ички ишлар бўлими ходимларининг тезда кўрган чора-тадбирлари натижасида боқинчилар ушланди. Улардан қирқма милтиқ ҳам тортиб олинди.

ХОНАНДА — УЙ ЎҒРИСИ

Янгибозор районидаги Ўзбекистон жамоа хўжалиги ишчиси Жумагул Ҳайитбоева район ички ишлар бўлимига унинг уйига номатўлум шахс кириб, 1800 сўм нақд пул ва 2700 сўмлик кийим-кечакларини ўғирлагани ҳақида мурожаат қилди.

Тезкор гуруҳнинг зудлик билан иш олиб бориши зое кетмади. Ўғри Урганч шаҳридаги “Сайёра” дастасининг аъзоси Х. Қ. эканлиги аниқланди.

КИССАВУР УШЛАНДИ.

15 июль куни пешин чоғида Урганч шаҳри дўконларини томоша қилаётган Тўлабой Қосимов чўнтағидаги 2 минг 400 сўм пулини олиб қочган номатўлум кимсанинг ортидан “ҳай-ҳай”лаганча қолаверди.

Шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг ташаббуси билан киссавур ушланди. У Собир Рўзиметов деган кимса экан.

ЗИЁД.

Самарқанд

ТИЛЛА ТИШ ҲАМ ЭСДАН ЧИҚМАДИ

“Ҳид” олиш қобилияти ўта кучли эканми, Самарқанд шаҳрининг Файзулла Хўжаев кўчасида яшовчи В. Колотиленко гаражига кирган ўғри адашмади. Унга юракдан ҳам худо берган экан, кеч тушишини пойламай, куппа-кундуз куни ишга киришди. 35 минг сўм пул, 70 АҚШ доллари, 9 хил тилла буюм, бир қанча ароғу коньякларни халтасига жойлади. Инсофсиз гараж эгаси тишларини текислатиб олиш учун тайёрлатиб қўйган 7 дона тилла тишни ҳам киссасига солиб олган. Ҳойнаҳой, у ҳам тишлари тушиб кетганлиги учун овқат ейишга қийналгандир шу пайтгача.

САБАБИ НОМАЪЛУМ

Самарқанддаги 110-дорихона қоровули З. Қулматов тунда ишхона ҳовлисидаги дарахтга ўзини ўзи осиб қўйди.

Турмуш азоблари жонидан ўтиб кетганими ёки бошқа сабаб борми — ҳозирча номаълум.

С. СУЛАЙМОНОВ.

«92-йил ҳосили» тадбиридан

ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛ — НАЗОРАТДА

Газетамиз мазкур йилда етиштирилган дон ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда республикамиз ички ишлар идоралари олиб бораётган чора-тадбирлар билан муштарийларни таништиришни давом эттиради. Бундан аввал давлат автомобиль назорати ва ёнғиндан муҳофаза қилиш хизмати ходимларининг ишлари ва муаммолари ҳақида мақолалар берган эдик.

Ҳозир сўз ички ишлар вазирлиги иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги С. Бузурхонова.

— Бошқармамиз ва унинг бўлинмалари томонидан ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилувчи бошқа хизматлар билан ҳамкорликда дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили, омухта емлари ташиш ҳамда омборларга келтириш вақтида нобуд қилмасликка қаратилган бир қатор ташкилий чора-тадбирлар кўрилди.

Хирмонлар, қабул пунктлари, омборлар халқ хўжалиги мутахассислари жалб этилган ҳолда мунтазам текширувдан ўтказилмоқда.

“92-йил ҳосили” тадбири бошланган кундан, яъни 25 июлдан бери нима ишлар қилинди? Кўрилган оператив тадбирлар натижасида дон ва омухта ем ўғирлаш борасида 473 та факт аниқланди. Давлатта умумий миқдори 4 миллион 400 минг сўмлик 550 тонна маҳсулот қайтарилди.

Бу ишлар юзасидан 61 та жиноий иш кўзгатилиб, 72 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Қолаверса, майда ўғирлик қилган 1523 киши ушланиб, улардан тортиб олинган ўғирлик қалла 400 минг сўмлик эканлиги аниқланди.

Бир миллион 800 минг сўмлик 204 тонна янги дон ҳосилини қонунга зид равишда республикадан ташқарига олиб чиқиш вақтида 114 нафар давлат транспорт ҳайдовчиси ушланганлиги вазиятнинг жиддийлигидан далолат беради.

Энди кўплаб хўжалик раҳбарлари томонидан қилинган суниетсизмоликлар ва йиғим-терим мавсумини назорат этишдаги масъулиятсизликлар оқибатлари кўламини кўрсатувчи бир нечта мисол келтирмоқчиман.

Жиззах вилоятининг Бахмал районидаги “Рассвет” давлат хўжалигидан чиқаришда “КамаАЗ” машинасини бошқариб бораётган 2-автохўжалик ҳайдовчиси Юсуф Бобохонов тўхтатилди. Текширилганда у 77 минг сўмлик 11 тонна бугдойни яширинча ташиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Сирдарё вилоятининг Ховос районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги ижарачиси Кенжа Пирматов ҳам, мўмай пул ишлаб олиш ниятида умумий нархи 12 минг сўм атрофида бўлган 17 тонна арпани трактор аравасида ўмармоқчи бўлган. Ҳар иккала воқеа юзасидан жиноий иш кўзгатилиди.

Ишончли бўлиб туюлган омбор кулфлари ҳам баъзида панд

КЭНГУРУ БЎЛИШ ОСОНМАС

Чинозлик 10-синф ўқувчиси А. Эргашев юриб кетаётган Тошкент-Сирдарё поездига бир сакраб осилиб олди... Кейин уни Янгийўл касалхонасига ётқизишди.

АВВАЛ СИГАРЕТА...

Кўнғирот шоҳбекатида Кишинёвдан Чоржўйга кетаётган юк поезди назоратдан ўтказилди. Вагонлардан бирига жойланган “Астра” сигаретаси 5 минг 140 пачка кам чиқди. Йўқолган “ўпқадори”лар қидирилмоқда.

...КЕЙИН ГУГУРТ

Сўнги манзил — Қаршига етиб келган Туринск-Қарши юк поезди енгиллатилди. Аммо 223... рақамли вагонга ортилган юклар ҳисоб-китоб қилинганда 43 минг 120 сўмлик 22 яшик гу-гуртнинг йўқолганлиги аниқланди. Бир пайтлар кадр-қиммати бир тийин бўлган шу матоҳ ҳам кимларнингдир назаридан четда қолмабди.

ТЕНТАКНИНГ БИР ҚИЛИҒИ

ортиқ деган иборанинг эгалари кўп. Шулардан биттаси Қаҳрамон Расулов отли йигит. II синф ўқувчиси. Ота-онаси қиз қидириб юришган бўлса ҳам ажабмас. Лекин унинг қилиб юрган иши... Москва-Самарқанд поездининг келишига санокли дақиқалар қолганда хизматчилар темир изларга қўйилган тўрт дона тошни кўриб қолишди. Бу айнан “қаҳрамон”имизнинг қилган иши эканлигини тегисли одамлар аниқлашди. Нима учун шундай қилган — ўзига аён.

Э. САЙФИДДИНОВ.

ЁНГИНДАН САҚЛАШ

“ТИЛСИЗ ЁВ”ГА ҚАРШИ

Олов бир жиҳатдан инсоннинг дўсти, иккинчи жиҳатдан ашаддий душмани эканлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Агар у билан мавжуд тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда эҳтиёткорона муносабатда бўлсангиз, кўпгина ташвишларингиз бир зумда ҳал этилади, мабодо ҳушёрлик унутиб қўйиладиган бўлса, жиддий, айрим ҳолларда ҳалокатли оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Буни ҳамма билади ва шу пайтгача Тошкент шаҳри бўйича юз берган ёнгинлар натижасида 12 киши ҳаётдан эрта кўз юмганлиги ана шу фикримизнинг яна бир исботидир. Алоҳида таъкидламоқчи эдикки, ҳамюртларимиз ёнгиннинг олдини олиш ёки уни зудлик билан жиловланган бўлса, кўп нарсаларни билишмайди. Айтайлик, фалокат юз берганда ўт ўчирувчиларга хабар қилишга унчалик шўшилмайдиганлар, ўзларича чора кўрадиганлар учраб туради. Айримлар эса бу соҳа ходимларининг кенг имкониятларидан етарлича хабардор эмаслар — улардаги мустаҳкам интизомнию замонавий техника воситалари нисбатан қодир эканлигини тасаввур ҳам этолмайдилар. Яна шу тоифадаги кишилар ҳам борки, ўт ўчирувчиларни чақирсак, катта миқдорда жарима солишади, деб ўйлайдилар. Демак, фуқаролар билан яқин муносабатда бўлиш, тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш ниҳоятда зарурдир.

Яқинда Миробод районидаги 3-ҳарбийлаштирилган ёнгиндан муҳофаза қилиш отряди ходимлари диққатга молик тадбир уюштирдилар. Тошкентдаги “Меҳржон” номли маданият ва истироҳат боғида тасарруфларидаги замонавий техника воситалари кўргазмасини ташкил этдилар.

— Мана бу “Магнус” белгили машина уч йил бурун Германиядан келтирилган, — дейди отряд бошлиғи, ички хизмат майори Тўлқин ака Йўлдошев. — Унинг нарвон ёрдамида кўпқаватли уйлarning энг баланддаги хонадонларига ҳам тез чиқиш мумкин. Тажрибадан маълумки, мана шу машинамиз фаолиятимизда кўп марта асқотган. Буниси эса “Бронта” деб аталади. Финляндияда ишлаб чиқарилган. Умуман айтганда ёнгинга қарши куч ҳамда имкониятларимиз етарли. Аммо йилнинг ўтган даври мобайнида районимизда 140 марта фалокат юз берди. Келтирилган моддий зарар эса 734 минг 522 сўм. Демак, хотиржамликка асосимиз йўқ.

— Жуда тўғри, — дейди Тошкент шаҳар ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Юсуф Қосимов. — Шаҳримиз бўйича ёнгинлар 513 тага қисқарди. Бу ходимларимизнинг юксак интизомию жанговар тайёргарликнинг юксаклигидан далолат. Аммо оз бўлсада, ҳамшаҳарларимиз оловдан азият чекаётган эканлар, юқоридаги кўрсаткичдан мағрурланишга ҳаққимиз йўқ. Хизмат савиясини сусайтирмаган ҳолда омма билан тобора яқинлашишга ва яхши муносабатда бўлишга интилишимиз, мана шундай кўргазма ҳамда учрашувлар уюштириб туришимиз керак.

Ортиқ МАҲМАЮСУДОВ.

ТОМТЕШАРЛАР

Ўғрилиқ ҳақида гап очсангиз, баъзилар дарҳол қимматчилик ва йўқчиликни рўқач қилиб кўрсатишади. Аслида эса жиноятга бунинг асло алоқаси йўқ. Асосий сабаб тарбиясизликдир. Фикримизнинг далили сифатида Риштон шаҳрида бир гуруҳ ўспиринлар томонидан содир этилган ўғриликларни кўрсатиш мумкин. Ҳа, бу ўспиринлар ҳали қимматчилик ва оиладаги бошқа етишмовчиликлар нисбатини мутлақо билишмайди, кўпол қилиб айтганда, уларнинг бошларидан ўзга юклари ҳали йўқ. Ота-оналари ҳам бардам, ўзларига тинч одамлар, фақат тарбия етишмайди, холос.

Худойберди Абдуллаев 1971 йилда туғилган, Қурбонбой Сафаров ҳам унинг тенгдоши. Ҳар иккиси шаҳарнинг Ленин кўчасида яшади, бўйдоқ. Бир куни бекорчиликдан зериккишди ёки ҳаром йўл билан текин пул топишни мақсад қилишди, қўшнилари Бахтиёр Холиқов билан тунда ўзларининг уйларида унча узоқ бўлмаган Риштон матлубот жамияти омборига йўл олишди.

Четрокда жойлашган пиёз сақланадиган омбор томини тешиб, иккитаси пастга тушди. Бир киши эса тепада туриб “ўлжа”ларни арқон билан тортиб олиб турди. Шу йўл билан улар беш яшиқ, яъни 100 донга бўйни узун “Рус ароғи” ва икки қоп-юз кило гуручни ўмаришган,

буларнинг ўша вақтдаги жами баҳоси 1559 сўмни ташкил қиларди. Бу нарсаларни аввалига Х. Абдуллаевнинг уйига олиб боришиб, яшириб қўйишган ва энг ичида чайқов нархида пуллаб, тақсимлаб олишган.

Табиийки, фарзандларнинг бундай ҳатти-ҳаракатларини ота-оналари билимаган бўлишлари мумкин эмас. Шу ўринда Риштон матлубот жамияти мутасаддиларига ҳам ўринли бир эътирозимиз бор: маҳсулот сақлашга мослашган, техник жиҳатдан мустаҳкам бўлган омбор биноси бўла туриб, ўмарилган нарсаларни омонат ва хилват, пиёз учун қурилган омборда сақлашгани, устига устак содир этилган жиноят ҳақида милиция бўлимига вақтида хабар беришмагани таажжублидир. Бундан баҳра олган йигитлар ўзларининг ишларини давом эттиришга аҳд қилишди.

Худойберди билан Қурбонбой саҳармардонлаб, қўшнилари ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Рустам Мелибоевнинг уйига ўғирликка тушишади. Бироқ сандиқ, жовонларни бирма-бир титкилаб ахтарган пулни топишолмай, уни тарк этишади. Ноумид шайтон деганларидек, уч-тўрт кун кўчама-кўча санқиб, яна “ўлжа” излашди ва ниҳоят топишди. Бу сафар ҳам Бахтиёрни шерик қилиб, кечаси Риштон шаҳар Большевик кўчасининг энг охирида

Хизматларга



ЖИНОЯТ-ҚИДИРУВ

МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАЛАРИМ

Нурмуҳаммад Асака шаҳрида яшайди, ҳеч қаерда ишламайди, ёши ўттиздан ошган бўлса ҳам уylanмаган. Лукмонжон эса уylanган. Битта боласи бор, лекин хотини у қамалгач, бошқага турмушга чиқиб кетган. Адҳамжон эса бу борада ташвиш чекмаса бўлади, уч фарзанднинг отаси. Хуллас, мана шу уч йигит ўғрилиқ қилишга киришишди.

Асака шаҳридаги колхоз бозори худудида жойлашган дўконнинг иш тартиби қизиқ эди. Ҳафтада бир кун — якшанбадагина очилар, қолган вақтлар ҳар доим берк. Бу уч танишимиз худди шу дўконни кўзлашди. Ярим тунда келиб, миҳ сугургич билан орқасини очиб, 100 метр атлас, бир қанча читни олиб кетишди.

Дастлабки тажриба бўлгани учун ҳам анча довдираб қолдишди. “Мол-мулк”ни қаерга қўярни билмай, ниҳоят қабристонга обориб беркитишди.

Эртаси куни матоларни машинага юклаб Кува районида олиб кетишди. У ерда атласларни 3-аралаш моллар дўкони мудирасига 800 сўмга сотишди, читни эса бир танишларига бериб юборишди.

32-дўкон эса тўғридан-тўғри катта ариқнинг устида жойлашган. Ўша тунда ариқда сув кам эди. Бундан ўғрилар унумли фойдаланишди. Нурмуҳаммад ариққа тушиб, арраю тешалар билан дўконни тешиб, жами 7675 сўмлик матони (анча-мунчасини ариққа тўкиб-сочиб) ўмаришди. Бу молларни Нурмуҳаммад уйдан олиб келтирган аравачага юклаб, Лукмонжоннинг акасиникига элтиб қўйишди.

Кейинроқ келишиб Лукмонжоннинг келинойсига уч метр атласни 35 сўмга сотиб, қолганини Кўконга олиб кетишди. У ерда кўпмолли дўконнинг газмоллар бўлимига 4910 сўмга сотишди. Бундан 100 сўмини таксига бериб, қолганини ўзаро бўлишиб олишди.

Орадан йигирма кунлар ўтиб, яна бир ишни режалаштиришди. Энди Асака шаҳридаги 70-дўконни кўз остига олишган эди. Кечаси соат ик-киларда дўкон ёнига келишди, лекин бу сафар уларнинг омади юришмади, ташвишгоҳ ишга туш-

жойлашган, Риштон давлат хўжалигига қарашли ҳайвонот шифохонасидан қоровул Эсонали Акбаровга қарашли уч бош қўйни ўғирлаб кетишди. “Иш”лари бароридан келаётганидан қувонишиб “саф”ларини кенгайтирдилар ва Бахтиёрнинг акаси, 1967 йилда туғилган Жумабойни ҳам ўзларига қўшиб олишди.

Худойберди ва янги йигит кечаси соат бирларда тагин Большевик кўчасида пайдо бўлдилар. Бу сафар улар кўз остига Раҳимжоннинг уйини олишган эди. Девор ошиб ҳовлига аста киришди-да, кўрадаги анчадан бери яхши ният билан боқилаётган икки бош қўйни худди ўзлариникидек етаклаб чиқиб кетишди. Кўкон шаҳрига номаълум машинада жониворларни олиб бориб сотиб келишди.

Бундан ташқари Жумабой ҳамтовоқлари олдин ўғирлаган уч бош қўйни Бағдод район бозорига олиб бориб, сотишда кўмаклашди. Харом йўл билан топишган пулларни тез кунда тўртовлон “ҳазм” қилишга улгуришди.

Ана шу йўл билан қисқа вақт ичида давлат ва фуқароларнинг саккиз минг сўмга яқин мол-мулкни ўмаришган, агар уларнинг фаолиятларига милиция ходимлари чек қўйишмаганда, худо билади яна қанча кишининг томини тешиб, ҳалол бойликларини ҳаромга чиқарган бўлишарди!

Жиноятчилар қилмишлари учун яқинда Риштон район халқ суди олдида жавоб беришди. Х. Абдуллаев ва К. Сафаровлар беш ярим йил, Б. Холиқов уч йил, унинг акаси Ж. Холиқов эса беш йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек,

СУРАТЛИ ЛАВҲА

Ёнгиндан сақлаш

хизмати ходимлари ўз вазифаларини юксак маҳорат билан бажариб келганлар.

Улар улуғ айём кунлари ҳам хизматда бўлишади.

ди. Уччаласи уч томонга тумтарақай бўлди.

Орадан икки соат ўтиб бу ерга Нурмуҳаммад яна келди. На милиция ва на қоровулни кўргач, секин дўконга кириб, ҳар донаси 25 сўму 50 тийидан бўлган 65 донга бахмал, донаси 6 сўму 30 тийин бўлган 35 донга оддий дастурхонларни олиб чиқди. Ташқарида эса қўшнисидан сўраб келган аравача шай турарди.

Эртаси куни ўртоқларини чакириб, оғзи кўпириб мактанди. Улар ҳам роса қойил қолишди. Қойил қолмасдан илож ҳам йўқда. Москва районидаги 14-дўкон сотувчисига бу дастурхонларни 1457 сўмга пуллашди. Аммо даромаднинг ҳаммасини Адҳамжон ўзлаштириб юборди.

Хўш, уларни бу ишга нима ундади, сабаби бордир ахир?

Бор, албатта. Сабаби камбағаллик.

Нурмуҳаммаднинг онаси вафот этган, отаси билан яшарди. Тирикчилик илинжида музқаймоқ ҳам сотиб кўрди. Ҳаммаси худди шундан бошланди, ҳисоб. Ўшанда 4 минг сўмга 4 тонна музқаймоқ келтирган эди. Кеч бўлиб қолгани учун ҳам савдо бўлмади. Эртаси эрталаб келиб қараса... совуткич ўчиб қолиб, музқаймоқ эриб кетган эди.

Нима қилиш керак? Қарзни узиш учун яна қарз кўтариш даркор. Шундай қилди ҳам. Бир танишидан тилхат билан 5 минг сўм олди. Орадан анча ўтиб таниши пулни қистай бошлади. Унда ҳеч вақо йўқ эди. Бу орада Лукмонжон ҳам Нурмуҳаммаддан 500 сўм қарз бўлиб қолди ва ўз вақтида қайтаролмай, шартига қўнди. Шарт у ўғирлаган молларни сотиш эди.

Ҳа, уларнинг аҳволи оғир эди. Шароитнинг ўзи уларни шу ишга ундаб турарди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, улар бемалол ҳаракат қилишган, деярли ҳеч нарсадан ҳайиқишмаган, омадларининг анча вақтгача юришиши ҳам шундан, лекин ўғрилиқ сўнгги чора эмас, улар буни билишмади.

Суд жазо тайинлашда учовининг ижтимоий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар бирини 5 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Ўқтамжон ХОЛИҚОВ,
Андижон вилояти ва шаҳар судининг
маслаҳатчиси.

ўғирланган нарсаларнинг қиймати эгаларига ундириб бериладиган, мол-мулкларни давлат фойдасига мусодара қилинадиган бўлди. Б. Холиқовнинг бағдат ёшига етмагани ҳисобга олиниб, жазони ўташ муддати икки йилга кечиктирилди. Юқоридаги ўспирин ёшларнинг ҳатти-ҳаракатларидан кўриниб турибдики, узоқ вақт мобайнида уларнинг ота-оналари ўз фарзандларини назоратдан мутлақо четда қолдиришган, кингир йўлга қадам қўйишганини билишса-да, ўз вақтида чора-тадбир кўришмаган, оқибатда улар ўз фаолиятларини кучайтириб, ўғрилиқни касб-кор қилиб, жиноят оламига дадил қадам билан кириб боришган.

Самнижон ИСМОИЛОВ,
Риштон туман халқ суди ҳаками,
Акмал ВОСИТ.

ЖИНОЯТ, ТЕРГОВ, СУД

НОДОНЛИКНИНГ
КАСОФАТИ

Мирфаёздан бу нарсани кутишмаганди. Ҳамма ҳайрон. Келиб-келиб отаси ишлайдиган заводда шу ишни қиладими? Устига устак отаси — Ғиёс акани барча билади. Қолаверса, ўзини ҳам кўпчилик танийди. Нима мақсадда худди шу ердан машина ўғирлади, ҳеч кимнинг ақлига сизмайди. Ғиёс аканинг эса юраги қуйиб кетди. Шармандалик бундан ортиқ бўларми? У эшитганларига, кўрганларига ишонгиси келмасди. Аммо ўглининг завод ҳовлисидаги машинани миниб чиқиб кетганига қоровул гувоҳ.

...Эрталаб ота-бола нонушта қилиб бўлишгач, ота ишхонага кетди. Мирфаёзнинг эса бутун дам олиш куни бўлганлиги сабаб уйда қолди. Анча вақтгача ўзини нима билан андармон қилишни билмай ўтирди. Охири отасининг ишхонасига бирров бориб келмоқчи бўлди ва кийиниб йўлга тушди. Заводга кириб келганда ҳовлида савлат тўкиб турган "ГАЗ-51" машинасини кўриб, унга яқинлашди. Эшигини тортганди, очилиб кетди. Қизиқиши ёки бошқа бир туйғу туртки берди чоғи, чўнтагидаги тирноқ оладиган асбобини олиб, калит ўрнида ишлатди. Мотор ишлаб кетди. Машинани секин ўридан қўзатди. Биноидек. Шу кўйи завод дарвозасидан чиқди. Анчагина жойга бориб қолганида машина "пир-пир" қилиб ўчди-қолди. Кейин ҳарчанд ҳаракат қилмасин, қайта ўт олдира олмади. Шундагина нима қилиб қўйганини англагандек бўлди. Ҳўш, машинани ҳайдаб қаёққа бормоқчи эди? Майли, машина ўчиб қолмади, милиция ҳам тўхтатмади дейлик, кейин-чи? Нима қилган бўларди? Содир этган ишининг оқибатини ўйлаган Мирфаёзнинг кўнглига гулгула тушди. Шоша-пиша ўткинчи машиналардан бирини тўхтатиб, "ўзиники"ни унга тиркади. Заводга етиб келгач, "Бойчибор"ни ўша атрофда қолдирди-да, ўзи зимғойиб бўлди. Ақли шошиб қолганидан нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Ўғрилиқ қилишга қилиб, айбингга иқроф бўлишга бўлиб, яна қаёққа қочиб кетяпсан деб ўз-ўзидан сўраб ҳам кўрмади.

Завод ичкарасида эса гала-говур. Ҳамманинг оғзида бир гап: "Ғиёс аканинг ўгли Рафиқнинг машинасини ўғирлаб кетибди!"

...Суд залида ўтирганлар эндигина йигирма ёшга тўлган Мирфаёзга ачиниш билан қарашарди. Ёшгина йигит. Юриш-туриши яхши. Тўғриси, ўғрилиққа ҳам онгли равишда қўл урмаган. Оилада фақат ота-бола. Онанинг вафот этганига анча бўлган.

Жабранувчи (ўғирланган машинанинг эгаси) судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди. Хуллас, ҳамманинг унга раҳми келарди. Аммо қонунга тараф йўқ. Қонун — барибир қонун. Суд ҳукми билан Мирфаёз Шофайзиев уч йилга озодликдан маҳрум қилинди. Фақат жазо ЖМнинг тегишли моддалари асосида меҳнатга мажбуран жалб этиш билан алмаштирилди.

М. ҲАКИМОВ.

Шилким ипдай эшилганда арслон ювош тортади, деганлари рост экан. Ўтган йилнинг кузида Ғаллакор қишлоғида пайдо бўлган З. ва Л. исмли қизлар иш жойининг тайини йўқ, такасалтанг Мойли Рўзиевга рўпара келишди. Қизларнинг бири Мойлини таниши чикди. Шунда шилким совундай кўпириб, уларни уйига меҳмондорчиликка ундади. Қизлар ҳарчанд қаршилиқ кўрсатмасинлар, йигити тушмагур отдан тушсаям эгардан тушмай, ҳалим ҳолвадай эшилаверди.

ЧИЯЛЛИК

Муштининг запитдан тош талқон бўладиган азаматнинг мулозаматидан қизлар ҳам эриб кетишди. Улар Мойлининг бола-чақаси бордир, кингир ишга қўл урмас, деган содда ўйлар билан унинг ортидан эргашди. Йигитнинг ошиғи олчи эди, у дам илжайар, дам ёйилиб кулар, хулласи ўзини қўярга жой тополмай, ешига номуносиб ҳаракатлари билан меҳмонларни уйига бошлаб келди. Уларни меҳмонхонага таклиф қилиб, ўзини бировнинг қилига тегмайдиган беозор, муштипар инсон қилиб кўрсатарди. Ҳаял вақт ўтмай дастурхон тўшалиб, унинг усти турли нозу неъматлар билан тўлди. Мойлининг оёғи енгил, дам иссиқ чой дамлаб, дам гулдор лаганда қовурдоқ олиб келиб меҳмонларни тановул қилишга ундарди. "Туруннинг гултожи — арок, — деди у меҳмонларнинг норозилигига қарамай, — озроқ газак қилсанг, минг йиллик дардинг арийди, ўзингни қушдай енгил ҳис этасан". Қизлар у тутган ароқни истеъмол қилмасликларини билдиришса-да, Мойли ўзинг эр йигит, ўзинг шер йигит, қабилида қадахни шишага уриштириб елгиз "отиш"га тушди.

Бора-бора қаттол оғу унинг кўзларини тиндириб, тилига тушов урди. Ширакайф ҳолатда нукул гулдулар, кўзлари косасидан отилгудай алфозда қизларга тикиларди. Энди у ошкора шилқимликка ўтди. Бурунги танишини четга суриб, Л. исмли қизга оч бўридай ҳезланди. Унинг културганлигини англаган қиз ўзини эшикка урди. Мойли чайкала-чайкала ўридан туриб, ортидан йўналди. Оғзидан куракда турмас сўзлар палаҳмон тошдай отиларди. Таниш қиз эса уни инсофга чақирарди.

"Бор-э овсар, сенми менга насиҳат ўқиган. Қоч, йўлингдан қолма. Мени биласанми, мен ме-ен шефман. Чиялда исминни эшитса, одамларнинг лабига учук топади. Ким йўлимни кесиб ўтса, онасидан тугилганига пушаймон қилдираман", — дерди Мойли.

Унинг телбанамо кутурган вазоҳатидан кўрққан таниши ҳам оёқни қўлга олиб ташқарига отиди. Л. исмли қиз эса аллақачон рўпарадаги ҳовлига кириб яйиринишга улгурганди. Бу хонадонда Мойлининг қайнотаси яшарди.

Ҳамма сир ўша куни очилди. Мойлининг тунги хангомаси гапта етарман Чиял элининг оғзига қўчди. Унинг қайнотаси эса Л. исмли қизни Чироқчи райони ички ишлар бўлимига етаклаб келди. Дарҳол

суриштириш ишлари олиб борилди. Мойлининг наркотик моддалар билан олди-соти қилиши ҳақида ҳам хабар тушганди. Жиноят-қидирув оператив вакиллари унинг уйини тинтув қилганда истеъмол қилиш таъқиқланган, таркибида наркотик моддалар бўлган 1,9 грамм кўкнори, 31,6 грамм қорадори сақлаётганлигини аниқлашди. Шу билан бирга у 1991 йилнинг июль ойидан бошлаб бир донга майда калибри, нили қирқилган ўқотар қурол билан 22 донга ўқ-дорисини гайриқонуний равишда сақлаб келганлиги ҳам маълум бўлди. Мазкур қурол баллистика экспертизаси хулосасига қараганда ўқ отишга яроқли, 22 донга патрон ҳам шу қуролга мосланган экан.

Мойли Рўзиевнинг навбатдаги найранги ўтмади. Саёқ

УЧУҚ ТОШИРАР

юрсанг таёқ ейсан, дея бежизга айтишмайди. Қўзғатилган жиноий иш район халқ судига оширилди. Жиноятчи тавбасига таянди, аммо кеч эди.

У халқ суди томонидан 3 йилу 6 ой муддатга қаттиқ режим асосида озодликдан маҳрум қилинди. Афсуски, М. Рўзиев муқаддам судланишига қарамай тўғри хулоса чиқариб олмади. Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Лекин унинг 5 нафар фарзанди-чи? Уларнинг мунчоқдек кўзларидан сизган ешларда жафокаш отанинг изтироблари товланмасми?.. Ниҳоят инсон ўзлигини топтаб, умри гулзорини хас-алафга алишса, қапалак қанот қоққанчалик ўтгучи фурсатларни арзимас нарсаларга қурбон этса.

— Бу жиноят ишини ҳал этишга қадар бир мунча чигалликлар бўлди, — дейди ички ишлар бўлими терговчиси милиция подполковниги Эргаш Каримов. — Ҳали қонунларимизнинг мурватлари бўш қисмлари кўп. Ўтмишда ўғрилиқ, инсон ҳуқуқига хавф солувчи илатларга аёвсиз муносабатда бўлинган. Бу борада қонунчилигимизда ислоҳ ўтказиш керакка ўхшайди. Бўлмаса, жиноятчилар билан курашишда турли тўғаноқларга дуч келаверамиз.

Терговчининг мулоҳазаларида жон бор. Эндиликда жаҳондаги энг кучли полиция маҳкамалари иш услубини ўрганиш, уни амалда тадбиқ этиш вақти етди. Негаки республикамиз мустақиллик йўлида қадам ташлаётган экан, ички ишлар идораларининг ўз дастури, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга арзидиган қонуни ҳам бўлмоғи керак. Ана шундагина милиция халқ милицияси бўла олишига шак-шубҳа қолмайди.

Б. АНВАРОВ,

Қашқадарё вилояти ички ишлар

бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари,

милиция майори.

Ў. ҲАЙДАРОВ,

вилоят ички ишлар бошқармасининг матбуот

гурухи катта йўриқчиси.

ОҚИБАТ

Бир йигит ўртоғидан сўраб қолибди:

- Уруш нимадан чиқади-я, жўра?
- Нимадан бўларди, "онангни..."дан-да.
- Нима?!

Иккаласи урушиб кетишибди.

Ҳақиқатан ҳам жанжал, асли нимадан келиб чиқшини ҳамма билавермайди. Оқибати эса... Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеада ҳам худди шундай бўлди, фақат бунда жанжаллашган томонлар жўралар эмас эди.

Ишдан чиққан икки ҳамкасбнинг нигоҳи йўл четида пиво сотилаётганига тушиб, ўнч тийишолмади. Тийиб ҳам нима, маст қилмаса бу пивоси... чанқовбостиға оз-оздан "уриб" олишса, олам гулистон. Шарт пул масаласини келишиб, ўн шиша олишган эди, эски танишлари кўриниб қолди. Зиқна. Унга тўрттасини қолдиришга тўғри келди. Ўзлари эса Андрейнинг куевини томорқасига кириб, қолганини ҳасратлаша-ҳасратлаша сипқоришди.

Назаримизда кайф ҳам чакки бўлмаган. Томорқадан узун-қиска бўлиб чиқиб келишгани бундан далолат. Албатта, иккаласи ҳам гирт маст эди, деб айтолмаймиз, уят бўлар... лекин кайфиятлари жойида. Ўзларини қушдек енгил сезиб келишяпти, мулоим табассумга ўралган ҳушвақт суҳбат. Онда-сонда ингичка хуштак чалиб қўйишган бўлишса ҳам эҳтимол. Бу ҳолатга баҳорнинг ширин нафаси, ёқимли ҳиди, шаҳардаги бетон уйларнинг қўққайган туришини кўшсангиз икки қаҳрамонимизнинг кайфиятини яққол тушунасиз кўясиз.

Бундай пайтда ҳамма, ҳаммага яхшилик қилгинг, учраган кишига гап отиб, ҳасратлашгинг келади. Эҳ, дунё яхшиликдангина иборат.

Шундай бир пайтда умумий танишингиз бўлган Вика иккита аравачада иккита болачани судраб чиқиб қолса нима қилардингиз?

Албатта, лаб-лунжингизни йиғиштиролмай гап отасизда. Дунё яхшиликлардан иборат бўлгач... Улар ҳам худди шундай қилишди.

Нарироқда икки йигит ўтиришарди. Бунгача улар учта эдию, биттасини катта онаси чақириб қолган эди. Қариялар биладида, барибир. Хуллас, улар қўшнилари Викага икки маст йигит гап ташлаётганини сезишдию, чидаб туролмай секин ёнларига келишди. Ҳақиқатан ҳам бу сархуш йигитлар ўзларини жуда эркин тутишаётганди. Вася билан Лёня (ўтирганларнинг исмлари шундай эди)нинг ҳамияти кўзиди.

ЖАНЖАЛ НИМАДАН ЧИҚАДИ?

Иккала томон ҳам жанжалнинг нима билан тугашини билмаган албатта. Нимадан бошланишини ҳам ўйлашмаган кўринади, чамаси. Бир томон "мастлар"ни инсофга чақирмоқчи бўлганими, иккинчи томон ўз ҳуқуқларини пеш қилганими, бизга қоронгу, ишқилиб орадан кўп ўтмай Андрей билан Вася уришиб кетишди. Ким кимнинг башарасига мушт тушириб қолди, ким кимнинг ёқасини йиритишга улгурдию, ақин уйлардан чопиб чиққан аёллар уларни ажратиб қўйишди.

Икки пивохўр йигит кетди. Икки "ҳимоячи" эса чекишга ўтиришди.

Андрей ва Коля кетиб борар экан, энди ўзларининг устларини тўлатиб юк ортилган ҳақирлардай ҳис этиб боришарди, "кайф"лари ҳам тарқалиб кетган, ковокларидан қор еғиб турибди, суҳбатдан нишон йўқ, онда-сонда пўнгиллаб қимларнидир онасининг гўрларига гишт қалаб боришарди. Бу ҳолатга хўмрайиб келаётган шом қоронгуси-ю, ваҳшат солиб босиб турган кўпқаватли уйларнинг вазоҳатини кўшсангиз қаҳрамонларимизнинг кайфиятини яққол тушунасиз-кўясиз.

— Тўхта, — деди анча юриб қўйишгач Андрей, — ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ сўкиш эшитиб, "мушт" еб кетаверамизми?

Афтидан боя тушган муштларнинг ўрни энди ачиётган бўлса керак ёки йиртилган ёқасига ачинапти.

— Тўғри, — деди униси ҳам, — юр қайтиб борамизу ҳаммасини ҳал қилиб келамиз.

Афтидан дўстлик ҳақидаги баландпарвоз гаплар едига тушиб кетди ёки шунчаки кўнгил учун айтди-қўйди.

Нима бўлганда ҳам ортига қайтишди. Аслида уйларига кетаверишганда ҳам бўларди. Жуда бўларди.

Орадан ярим соатлар ўтиб иккаласи бояги жойга етиб келганда, беш киши ўтириб, суҳбат қураётган эди.

— Вася, — деди Андрей берирокдан туриб, — Сен билан гаплашиб олишимиз керак.

Биров бировдан кўрқадиган давр эмас. Вася туриб, иккаласи уйнинг орқасига ўтишди, кейинчалик ўзлари айтишганидек "муносабатларини аниқлаб олиш учун". Уларга Коля, Коляга эса Лёня эргашди.

Даҳанаки жанг узоққа чўзилмай дарҳол муштлашувга айланди. Андрей билан Вася, Коля билан Лёня. Лекин бу ҳам кўп узоққа чўзилмади. Югуриб келган Васянинг синглиси ва Вика ҳамон ёқалаётган Андрей билан Васяни ажратишди, бироқ нариги икки "хўроз"ни топишолмади, гўё оёмонга чиқиб кетишгандек эди улар.

Андрей:

— Коля қани? — дедию гўлдирай-гўлдирай уйига қараб кетди.

Қолганлар ҳам ҳайрон эди: Лёня қани?

Бу маҳалда қоронгу тушиб бўлган эди-да. Излашга тушиб кетишди ва шу яқин атрофдаги буталар остида қип-қизил қонга беланиб ётган Лёняни топишди: унинг қорни кўндалангига узун қилиб ёриб юборилган, кўкраги ҳам шундай эди.

"Тез ёрдам" чақирилиб, касалхонага олиб кетишди. Кўп ўтмай жарроҳлик бўлимида хабар қилишди: ЎЛДИ.

Худди шундай — жанжалнинг бошланиши ҳам, тугаши ҳам одамнинг ўлиши ҳам осон.

Ҳаммаси мана шундай тез-тез бўлди-қўйди, кўплар ўзини ўнглаб ҳам ололмай, кўплар нима бўлганини сезмай, айримлар ўлдирганини, айримлар ўлганини ҳам тушунмай қолаверди.

Кейин маълум бўлишича Андрей билан Вася уришаётганда Коля ажратмоқчи бўлибди, улар томон бораётса, Лёня орқадан келиб, бошига бир-икки туширибди. Ҳовлиқиб кетган Коля чўнтагидан чопқисини олиб, тигини чиқарибдию... Ажали яқинлашаётганини билмаган Лёня олдинга ташланибдию, пичоқ қорни ва кўкрагини кесиб ўтибди. Шунга қарамай у Коляни бутанинг остига йиқитиб, дўппослайверибди. Кўп ўтмай кўзлари катталашиб кетибди...кўрқиб қолган Коля уни тепиб юбориб, жуфтакни ростлаган экан.

Шундай қилиб, олти шиша пиводан бошланган бу воқеа бир йигитнинг ўлими билан якун топди.

Биз эса ўзимизни энг ақлли одам санаб, бир арава хулоса чиқариб ташлашимиз мумкин энди бемалол: фалончи бундай қилмаганда, ундай бўларди, писмадончи ана шундай қилиши керак эди. Умуман бундан осони бор эканми дунёда. "Бирон кимсанинг ибратидан ҳам ортиқроқ гашингни келтирадиган нарса бўлмаса керак", — деб ёзган эди Марк Твеннинг қаҳрамони Вильсон.

Қолбуки, биз жанжал нимадан чиқшини билиб олдикми? Йўқ, Бировнинг хатоси ёки камчилигини дўмбира қилиб, унга тўғри йўлни кўрсатмоқчи эмасмиз. Фақатгина асосий нарса, ўз хусусиятларимизни тузатиб олайлик.

Ёқубжон ЖАМОЛОВ,

Сирғали тумани прокуратураси терговчиси.

Ижод

(Давоми. Боши газетамизнинг № 64-81-сонларида chop этилган.)

У тўппончасини кўтариб, учи билан қулоғидаги чуқурчани қашлаб қўйди.

— Билмайман. Мени нима ишим бор. Тирикчилигимга пул топишим керак-ку.

Лабларимни яладим. Фойдаси бўлмади, тилим эгвдек қуп-қуруқ эди.

— Мени ўлдиришинг учун сенга пул тўлашган, шундайми?

У бошини ёнига эгди:

— Албатта-да, оғайни. Бўлмаса сени нега ўлдирай?

— Менга айтиб бер, — дедим бўғиқ овозда. — Вақтимиз кўп. Сенга ким пул тўлади?

— Билмайман, оғайни. Ўша мараз келиб, “Беш юз қороз ишлаб олишни истайсанми?” — деб сўраганида, мен қарта ўйнаб ўтирган эдим. Биз бир бурчакка ўтдик. У менга юз доллар бериб, шу ерга келишим ва сени илма-тешик қилишим кераклигини айтди. Ишни дўндирганимдан кейин қолган пуллари оламан.

— Ўша йигит ким эди?

— Билмайман. Қаерингга отай, оғайни? Мен бу ишни қойилмақом қилиб бажараман. Энг тезкори миянинг қатигини чиқариш, ўзинг ҳам ҳузур қиласан.

— Йигитнинг кўриниши қандай эди? — қичқирдим мен жон ҳолатда.

У ҳўмрайиб, калламини мўлжалга олди.

— Бу сени ташвишга солмаслиги керак, — унинг овози янада ёвўз оҳангда янгради. — Ўзинг ҳақингда ўйла.

— Беш юз унчалик катта пул эмас. Мен устига қўшган бўлардим. Тўппончангни олсанг-у эвазига мен минг доллар берсам, а?

У тиржайди.

— Ишни бажариб бўлганимдан кейин пуллариингни шундоқ ҳам олавераман.

Тўсатдан телефон жиринглаб қолди.

Вужудимни қамраб олган қўрқув аралаш эсанкираш бир зумда йўқолди. Қўнғироқ уни қўрқитиб юборганди, нигоҳини телефонга қаратди.

Башарасини мўлжалга олиб, бошим билан унга ташландим ва тўппончасини ушлаб олишга ҳаракат қилдим.

Олдинги тишлари синиб, бурни пачоқ бўлиб кетди. Тўппончани четга буришим биланоқ, ўқ узилди, мослама таъсирида унинг овози деярли эшитилмади. Курси билан бирга иккаламиз ҳам аганаб тушдик.

У жуда кучли бўлиб, тўппончани тортиб олиш мушкул эди. Қўллари омбурга ўхшайди. Йиқилганида бир оз қарахт бўлиб қолганди, акс ҳолда мени бўғиб ўлдириши ҳеч гап эмасди. Полга йиқилганимизда устига чиқиб олдим ва бўйнига ўхшатиб туширдим, шалпайиб қолди. Ҳолсизланганидан фойдаланиб, тўппончани тортиб олдим. Лекин шу заҳоти юзимга шундай туширдик, нақ болга билан ургандай бўлди.

Тўппонча қўлимдан тушиб кетди. Бир неча дақиқа гангиб қолдим. Йигит ўрнидан турди, орзи ва бурнидан қон оқарди. У яна юзимга мушт туширмоқчи бўлди, аммо илгариги қуввати йўқ эди.

Қўлим билан бошимни тўсиб, сал нарига эмаклаб бордим-да бир амаллаб оёққа туриб олдим. Тўппонча ўртамизда ётарди. Йигит ўкириб юборди, эгилиш мумкин эмаслигига ақли етди, шунинг учун бор кучи билан яна менга ташланди.

Мен башарасини мўлжаллаб калла қўйдим ва қорнига олти марта кучли мушт туширдим, лекин ўзим ҳам шундай икки зарба олдимки, миямнинг қатиги чиқиб кетгандай туюлди. У чекина бошлади. Қорнига берилган зарба таъсир қилаётган эди. Куч билан сакраб, яна мушт туширдим. У энгашиб қолди, қўлида пичоқ ярқиради.

Биз қимирламай бир-биримизни кузатардик. У дўзахдан қочган алвастига ўхшарди. Каллам билан башарасини дабдала қилиб ташлаганимга қарамай, вазоҳати ёмон эди. Чекина бошладим. Елкам деворга текканини сезгач, костьюминни ечиб, чап қўлимга ўрадим. У ҳайқирганича менга ташланди. Чап қўлим билан пичоқ зарбасини қайтарар эканман, ўнг қўлим билан қаншарига солдим. Зарба жуда кучли чиқди. Йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб, чўккалаб қолди. Пичоқ қўлидан тушиши биланоқ хонанинг нариги бурчагига тешиб юбордим. Олдинга қийшайётганини кўриб, яна мушт туширдим. Ниҳоят у бутун гавдаси билан гурсиллаб йиқилди.

Оғир ҳансираганимча, деворга суяниб олдим. Ўлгудай ҳолдан тойган эдим.

Шу пайт эшик очилиб, тўппонча ушлаган икки полициячи хонага отилиб кирди. Уйдаги тўс-тўполон кўчага ҳам эшитилган бўлса керак.

Полициячилар кираётганларида аблаҳ ёнбошлаб олишга улгурган бўлиб, тўппонча қўлида эди. Қотил ҳали ҳам ниятидан қайтмаганди. Мўлжалга олиб отган ўқи бошим ёнидан ўтиб деворга санчилди.

Полициячилардан бири ҳам ўқ узди. Мен чинқириб юбордим, аммо вақт ўтган эди.

Мараз мени қайтадан мўлжалга олаётганида жон берди.

Рўпарамизда “Чекилмасин” деган ёзув пайдо бўлиши биланоқ, ёнимда ўтирган бақалоқ киши илломинаторга энгашиб олди.

— Мана, Гонконгга ҳам етиб келдик, — деди у анчадан

сўнг. — Дунёда бошқа бунақа жой йўқ дейишади. Тўғри бўлса керак. “Пенинсула” да турасизми?

— Йўқ, қарама-қарши томонда.

У ажабланиб, менга қаради.

— Каулун дурустроқ — энг яхши дўконлар, шинам меҳмонхоналар ўша ерда жойлашган. Иш билан келгандирсиз, балки?

— Ҳа.

Жавобим уни қониқтиргандай бўлди.

Божхона текширувидан ўтиб, одамлар билан гавжум майдонга чиқдим. Жазирама иссиқ. Мени дарҳол рикшалар ўраб олиб, алланималар деб қичқира бошлашди. Уларнинг қаримсиқ, офтобда куйган юзларида ҳасрат ва умид ифодаси. Нима қилишимни билмай, иккиланиб турганимда ёнимга дурустрина оврупоча либос кийган хўппа семиз хитойлик келиб, енгилгина таъзим қилди.

ГОНКОНГДАН НҲАТИЛАН ТОВУТ



— Маъзур тутасиз. Балки, ёрдамим тегар. Сизга такси керакми?

— Вэнчайдаги “Самовий салтанат” меҳмонхонасига боришим даркор.

— У оролда жойлашган, сэр, — гапларим хитойликни ҳайрон қолдиргандай эди. — Энг қулайи кечувгача таксида бориб, сўнгра солда Вэнчайгача ўтиш. Меҳмонхона кечувнинг ёнгинасида.

— Минг бор ташаккур. Ҳайдовчилар инглизча гаплашишадими?

— Кўпчилиги инглизчани бир оз тушунишади, — у машиналар узун занжирининг бошида турган таксини қўл силтаб чақирди. — Ижозатингиз билан...

У олдинга қараб юрди. Мен халтамини олиб, эргашдим. Хитойлик ҳайдовчига менга нотаниш тилда бир нарсалар деди. Озгин, пачоққина ҳайдовчи нимадир жавоб қилиб, юзимга қаради.

— У сизни кечувгача элтиб қўяди, сэр, — деди семиз.

— Йўл ҳаққи бир доллар бўлади, Американики эмас, Гонгонгники. Бир Америка доллари тахминан олти Гонконг доллари тенг. Меҳмонхонани осонгина топасиз. Лекин маълумингиз бўлсинки, бу ўзига хос меҳмонхона, шунинг учун сиздай америкалик жентельменга тўғри келармикин? Аралашётганим учун кечирасизу, аммо америкаликларнинг кўпчилиги “Глочестер” ёки “Пенинсула” ни афзал кўришади. “Самовий салтанат” осиеликлар учун.

Шунга қарамай мен айна ўша меҳмонхонада яшайман. Ёрдамингиз учун ташаккур.

— Омадингизни берсин, сэр, — у картмонидан бир парча қороз чиқариб, менга узатди. — Бу ерда йўл кўрсатувчи керак бўлиб қолиши мумкин. Мен америкалик жентельменларга Гонконгнинг кўрсатиш билан шугулланаман. Қўнғироқ қилсангиз кифоя...

— Раҳмат. Назарда тутаман, — қорозни олиб, соатим боғичига қистириб қўйдим.

Самолётдалигимдаёқ харитадан Гонконгнинг аэропорт жойлашган қитъадаги қисмини Каулун деб аташларини, шаҳарнинг орол қисмига солда ўтиш учун беш-олти дақиқа кетишини билиб олган эдим. Жефферсон яшаган Вэнчай Гонконгнинг денгиз соҳили райони эди.

Кечувга биз бир неча дақиқада етиб келдик. Каулун соҳили ҳар томонга шошиб кетаётган кишиларга тўла эди.

Назаримда ҳар юз хитойликка фақат бир овруполик тўғри келадиганга ўхшарди. Қизил рангдаги хитой ёзувлари дўконлар пештоқини безаб турарди, ифлос ариқларда баданлари кирлаб кетган хитой болалари нималарнидир излаш билан овора.

Кечув ёнида таксичига ҳақини бердимда, патта олиб солга кўтарилдим. У ҳам одамлар билан тўла эди.

Атрофимдаги кишиларни кузатар эканман, Пасаденадан чиқиб кетганимга анча бўлганга ўхшарди. Хавфли меҳмоним туфайли сафаримни икки кунга қолдиришга тўғри келди. Мен Ретника воқеанинг барча тафсилотини айтиб берганим йўқ. Фақат уйимга келганимда қандайдир босқинчини учратганимни ва ўртамизда жанжал кўтарилганини айтдим, холос. Унинг кимлигини билмаслигимни, аҳтимол оддий босқинчидир деб ўйлаганимни айтиб, ёлғон гапирдим.

Ретника бу воқеа ёқмади. Уни айниқса тўппончадаги мослама ҳайратга солди. Аммо мен ортиқча тафсилотлардан қочиб, унга эътибор бермадим. Охири-оқибатда Гонконгга учиб кетиш имкони пайдо бўлди, мени эса фақат мана шу қизиқтирарди.

Қотилни ёллаган киши сирли Жон Хардвик эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. 38-калибмли янги тўппонча сотиб олишимга тўғри келди. Мен ўзимга-ўзим бундан буён қуролсиз бир қадам ҳам юрмайман деб ваъда бердим. Аммо бундай ваъдаларнинг устидан чиқиш мушкул.

Сол қирғоққа келиб тақалди. Вэнчай деярли юз фоиз хитойликлардан иборат эди. “Самовий салтанат” меҳмонхонаси ёнида соат ва арзон уйинчоқлар сотиладиган дўкончалар турнақатор тизилиб турарди. Кўчани кесиб ўтиб, меҳмонхонанинг кичкинагина даҳлизига кирдим. Зинапоя ёнидаги пештахта ортида қора қалпоқ ва қора чопон кийиб олган бир хитойлик чол ўтирарди.

— Менга хона керак.

Чол нигоҳини кўтарди, аммо индамади. Устимдаги либос ўтган вақт ичида гижим бўлиб кетган эди. Дайдига ўхшамасам ҳам кийимимга кўпроқ эътибор берса бўларди.

Чол китоб чиқариб, қалам билан бирга менга узатди. Китобда хитойликларнинг исми шарифидан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Керакли жойга исми шарифим ва миллатимни ёзиб, китоб билан қаламни қайтариб бердим. У галадондан калит олиб, узатди.

— Ўн доллар. Йигирма еттинчи хона.

Ўн Гонконг долларини бериб, калитни олдимда, ўнг томондаги кўрсатилган узун йўлка бўйлаб кета бошладим. Йўлакнинг ўртасига келганимда, бирданига рўпарамдаги эшик очилиб, ундан озгин америкалик денгизчи чиқди. Унинг ортидан дўмбоққина хитойлик қиз келар эди. Мен йўлимда давом этиб, йигирма еттинчи хонани очдим. Кичкинагина хонада икки кишилик ўрин, курси, жовон ва тоғорадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Халтамини ерга қўйиб, қаттиқ ўринга ўтирдим. Жуда ҳам иссиқ эди. “Глочестер” ёки “Пенинсула” га бориб, душли дурустроқ хона ва пиво буюришим мумкин эди. Лекин хизматчилик, мен бу ерга дам олгани келмаганман. Бу меҳмонхонада Герман Жефферсон ўзининг хитойлик аёли билан яшаган. Ушбу меҳмонхона улар учун қулай бўлган экан, мен ҳам чидашим керак.

Бу вақтга келиб, ўзимни анча босиб олган эдим. Тоғорага сув қуйиб, ювиндим. Нарсаларимни олиб жовонга жойладим. Меҳмонхона анча осийишта эди. Кўчадаги айрим овозлардан бошқа ҳеч нима эшитилмапти. Соатимга қарасам, йигирма дақиқаси кам олти. Семиз хитойлик киши берган қорозга кўзим тушди. Унга: Вонг Хон Хо. Йўл кўрсатувчи, инглизча гаплашади, деб ёзилган эди. Телефон рақами ҳам бор. Қорозни картмонимга солиб, эшикни очдимда, йўлакка чиқдим.

Қаршимда эшикка суянганича хитойлик бир қиз турарди. Мўъжазгина, жуссаси миқти, келишган қиз қора сочларини турмаклаб, оқ нимча кийиб олибди. Баданидаги кўк обка таранг тортилиб турарди. Унинг қиёфаси кишига хотиржамлик бағишлар, ортиқча ҳис-ҳаяжон уйғотмасди. Қиз тўппа-тўғри кўзларимга тикилиб олди. У мени анчадан буён сабр-тоқат билан кутиб тургандай эди.

— Хэлюу, мистер, — унинг юзида ёқимли табассум пайдо бўлди. — Менинг исимим Лейла. Сеники-чи?

Мен унинг табассумига, оппоқ йирик тишларига маҳлиё бўлиб тикилиб қолдим.

— Нельсон Рейн, — дедим мен эшикни қулфлар эканман. — Мени Нельсон деб чақиритиш мумкин. Шу ерда яшайсанми?

— Ҳа, — унинг қора ёқимтой кўзлари баданимни пайпаслаб чиққандай бўлди. — Америкалик айрим жентельменлар баъзан шу ерда тўхташади. Сен ҳам шу ерда яшайсанми?

— Ўйлаб кўраман. Кўпдан бери бу меҳмонхонада истикомат қиласанми?

— Бир ярим йилдан бери, — унинг талаффузи галати эди. Тушуниш учун бир оз зўр бериш лозим бўларди. Лекин тикилиб қараши ниятини ошкор этиб қўяётганди. — Севишни хоҳлаб қолганимда, меникига келасанми?

Мен сал довдираб қолдим, ўзимни жилмайишга мажбур этдим.

— Билмайман. Лекин менга унчалик умид борлама.

Йўлакнинг сал нарироғида эшик очилиб, италиялигини ҳам, фарангилгини ҳам ажратиб бўлмайдиган паст бўйли бақалоқ киши чиқди. У менга қарамасдан, шошилганича ўтиб кетди. Унга жуда ҳам ёш хитойлик қиз эргашиб борарди. Ёши ўн олтидан ошмаса керак. Олдимдан ўтар экан, менга ошкора қизиқиш билан қараб қўйди. Танлаган жойим қандай меҳмонхона эканлиги хусусида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмади.

(Давоми бор).

Ташвишлардан ташқари

СИЁСИЙ ЛАТИФАЛАР

ҲАҚИҚИЙ НОТИҚ

Москвада олимпиада бошланиши олдида Брежневга сўз беришди. У минбарга чиқиб, нутқини бошлади:

— О!

Қарсақлар.

— О, о!

Яна қарсақлар. Брежнев қороздан кўз узмай яна бир марта “о!” деди. Шу пайт бир киши югуриб келиб, Брежневнинг кулоғига шивирлади:

— Леонид Ильич, бу олимпиада белгиси. Сиз пастдагиларини ўқинг!

ХОТИРАСИ ЧАТОҚЛАР

Сиёсий бюро йиғилишида Леонид Ильич қорозга қараганча нутқ сўзлапти:

— Ўртоқлар, мен сиёсий бюро аъзолари орасида хотираси чатоқлар кўпайиб кетганлиги тўғрисида гапирмоқчиман.

Кеча ўртоқ Грекокни кўмиш маросимида... (Леонид Ильич қороздан бош кўтариб зални кўздан кечирди). Негадир мен уни залда кўрмайман...

АНА, ҲУРМАТ!

Кремлда Брежнев жиринглаётган телефон гўшагини кўтариб деди:

— Ҳурматли Леонид Ильич эшитади!

Ўрисчадан Э. САТТОРОВ ўтирган.

ҚИЙШАЙИБ КЕТГАН ЁМОН
(ЙЎЛОВЧИЛАР ҚЎШИҒИ)

Ҳар куни кўплаб бекатда эҳ, мошин кутган ёмон. Тирмашиб чиқсанг амаллаб, қийшайиб кетган ёмон.

Жойлашиб қолса оёғинг, шу ўзи бир бахт эрур, Лек ёқа ҳам тугмаларсиз манзилга етган ёмон.

Йўқ эмас баъзи шопирлар, чакаги тинмас сира, “Чиптани тезда олинг”, — деб сўз билан чертган ёмон.

Эзгилар кимдир оёқни, кутқариш имкони йўқ, Айрими зил гавдасини елкага ортган ёмон!

Тиргакними ё билакни ушлаб, ўйланар Гулом, “Йўл азоби — гўр азоби дейдилар, тортган ёмон”.

Абдуғулом АБДУГАНИ ўғли,
Ўқитувчи.

(ИНТЕРМЕДИЯ)

“ТИЛИ ҚУРСИН
БУЛАРНИ!”

(Ҳовлидаги чорпожда уч киши ўтирибди: икки кампир ва 17-18 ёшлардаги қиз. Кампирлар гурунгда берилиб кетишган. Қиз ҳар замонда хандон отиб кулиб қўяди)

МЕҲМОН КАМПИР: Шунақа гаплар, айланай.

МЕЗБОН КАМПИР: Нимаям дейсиз, овсинжон, замон шуларники бўлиб қолди. Ҳа, айтганча, манга қаранг, кеча битта наварам тенги қизгина дилбузардан чиқиб, даммиқратия тилимизни қайтариб берди деди.

МЕҲМОН КАМПИР: Ман эшитмадим. Нима, даммиқратия уни тилини сугуриб олганаканми?

МЕЗБОН КАМПИР: Билмасам. Локигин ким бўсаям омон бўсин ўша даммиги. Ҳар тугул инсофи борақан. Тилини қайтариб берибди. Ҳозирги ёшларни тилини узиб, вапши қайтариб бермаслик керак. Бузилиб кетган ҳаммаси (қиз кулиб юборади). Кул-а, кул.

ҚИЗ: Бувижон, бу даммиқ нима дегани, а?

МЕЗБОН КАМПИР: Семиз дегани. Сенга ўхшаган шумгина қўйганда бу лақамни (қиз яна кулади). Бўлди, ҳа деб ҳиринглайверма. (кампирга қараб) Бу, овсинжон, кеча светингиз ўчиб қолдими?

МЕҲМОН КАМПИР: Ҳа, айланай. Тилпондан иликтирриқ чакирувдим. Бир маҳал бир издоровий йигит “ман мантирман”, деб кириб келди. Келасолиб учарчикка ёпишди. Ишламай қопти. Замикайна бўлганакан. Ўғлимга уввало айтдим, шу зормандани симларини алиштиргин деб. Панниётни бўмади. Қуриб кетмагур борини тўлка хотинига сарф қилади. Кийимлари битта ишқопга сиймайди. Сервантлари алламбало бутилкалар билан тўла. Иликтирриқ иштрап тўлайсиз деди. Тўладим. Ўғлимдан пул сўрасам, пастаянни йўқ дейди. Пулидан бўғолтир биздет подходга ушлаб қолармиш. (Қизга қараб) Бўлди, кўп куловурма. Нима деятувдим? Ҳа, бир куни ўғлимга билдирмай, ишхонасига бордим. Битта хонага кирсам, шамшоддеккина ўзбекча қиз ўтирибди. Шундай, шундай десам, мен одил қодирда ишлайман, дейди. Каттанг Қодир одил одам бўлса, яхшийкан, обқир олдиға дедим. Нима дейди денг? Бабул... ҳа, ҳа, “бабул, одил қодир бу иш билан зиномайса қимайди, бўғолтирга кириг”, дейди қизи тушмагур. Бир уришиб бердим, бир уришиб бердим! Мани қаерда кўрувдинг майсани устида зино қилганимни, а? Оғиз деб ҳар нарсани гапируврасанми? Худога шукур, чолим живой, ҳали анча силний дедим. (Қиз шарақлаб кулади) Санлани ўзларинг ҳаммани бузасанлар дедим. Бўғолтирдиям бузгансанлар дедим (қиз ётиб-ётиб кулади). Уям манови қизгинага ўхшаб роса кулди денг. Ўрисча-ўзбекча аралаштириб нималардир деди. Тили курсин буларни. Нима дейди... ҳа, “аҳ, даммиқратия”, дейди нукул. Бу, айланай, уям шу одамни тилга олди-я. Каммарал яхши одам чоги.

(Шу пайт меҳмон кампир наманидир эслаб қолди, шекилли, апила-тапил ўрнидан тура бошлади. Тишлари тўқилиб кетган оғзини оғанича унинг гапларини тинглаб ўтирган меҳмон кампир эса ўзига қелиб, суҳбатдошининг инқиллаб ўрнидан тураётганини кўрди).

МЕЗБОН КАМПИР: Вой, овсин, қаёққа?

МЕҲМОН КАМПИР: Ўчоқда варанни пишираётувдим. Тошиб кетган бўмасин яна. Киришкамам қайнаётувди. Эсим курсин-а!

МЕЗБОН КАМПИР: Қайтиб чиқинг-а, овсинжон. Наварам молочни суп қилан. (Меҳмон кампир эшикка яқинлашади).

ҚИЗ: (Шўхлик билан) Бувижон, бугун телевизорда демок... йўт-э. “Даммиқратия йўлидан” деган кўрсатув бор. Чиқинг, кўрасизлар.

МЕЗБОН КАМПИР: Чиқинг, овсин, чиқинг. Бой бўтур даммигимизни бир кўриб қўяйлик.

(Чор тарафга тарқалишади).

Эркин САЙФИДДИНЗОДА.

ХАНДАЛАР

Бемалол
ишонавер

Бир киши яқин танишидан сўради:

— Эшматни сен қандай одам деб ўйлайсан? Умуман унга ишониб бирор гапни айтса бўлармикин?

— Унга бемалол ишонавер, оғзи маҳкам, — дея жавоб берди таниши. — Мен сенга айтсам, у ой сайин оладиган маошидан ташқари ҳар кварталда мўмайгина мукофот пулиям олади. Лекин бу сирдан хотини шўрлик бўтунлай беҳабар-ку.

Хурсандлик боиси

Олийгоҳга кириш учун имтиҳон топшираётган йигитчадан профессор сўради:

— Қани, йигит, исмингиз нима сизни?

— Луқмонжон, — дея жавоб берди у, сўнг негадир мамнун ҳолда жилмайиб қўйди.

— Ие, нега куляпсиз, жуда хурсанд бўлиб кетдингиз?

— Биринчи саволингизга аъло даражада жавоб берганим учун хурсанд бўляпман... Мана, иккинчисига ҳам яхши жавоб бердим.

Ичволиб полвон
бўлишмоқчи

Учта сичқон улфатчилик қилишмоқчи бўлишди. Маслаҳатлашиб туришиб улардан бири шундай таклиф киритди:

— Бир қадахдан ароқ ичволиб, кейин ўйнашиб ирғишлашамиз.

Шунда уларнинг иккинчиси деди:

— Йўқ, икки қадахдан ичамиз-да, кейин кўшиқ айтаман!

— Йўқ! — дея эътироз билдирди учинчиси. — Яхшиси уч қадахдан ичамиз-да, кейин полвон бўлволишиб, мушукни қидириб топамиз. Сўнг уни боплаб савалаб, оғзи-бурнини қора қонга тўлдирамиз, вассалом!

Бўнинг иложи йўқ

Уйланганига ҳали ҳеч қанча бўлмаган эр хотинига деди:

— Жонгинам, уй-рўзгор ташвишидан қутулиш учун, яхшиси, сизнинг ота-онангизникига кўчиб бориб, бирга яшайқолайлик.

Унга жавобан хотинининг энсаси қотиб деди:

— Вой, нималар деяпсиз, бўнинг сираям иложи йўқ!

— Нега энди иложи бўлмас экан?

— Ахир улар ойимнинг ота-онасиникида яшашади-да!

Тўпловчи Т. МАҲМУДОВ.

КУЗАТУВЧИ БОБОЙЛАР
ДИҚҚАТИГАЁКИ АРОҚНИ КИМЛАР ҚАЙ ТАРЗДА
ИЧИШАДИ

ОШХОНАДА

Энг бурчакдаги стол атрофига уч-тўрт киши йиғилишади. Атрофдагилар паноҳида бир киши ишишани очади. Стол тагида стаканга қуяди-да, битта-битта ўтирганларга тақсимлайди. Биттаси ичаётганда, бошқалари атрофга олазarak қараб туришади.

ЧОЙХОНАДА

Икки чойнак чой олинади. Бир чойнагини четроқ жойга тўкиб келинади ва ароқ қўйилади. Ақли расолар сезмаслиги учун озгина қайноқ чой ҳам қўшиб ичилади.


КЎЧАДА

Газ сув будкасидан стакан олинади. Ароқ ишишасидаги ёрлиқ олиб ташиланиб, худди минерал сувдек ичилаверади. Будка ёнидаги кампир сотаётган қурутлар газакка.

ШИФОХОНАДА

Дўстини кўргани борган одам қорнига грелка қўйиб келади ёки чиройли термос совға қилмоқчи бўлади. Ҳар иккисининг ичидаги ичимлик беморнинг дардига дард қўшади.

Абдулла ТОЛИПОВ тўплаган.



Ниҳоят, ҳамма орзиқиб кутган Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллиги республикаимизнинг барча вилоят, шаҳар ва районларида кенг миқёсда нишонланяпти.

Жумладан, Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари байрам кунинда шаҳар кутубхонаси ва бадий ҳаваскорлик жамоаси билан биргаликда қутлуғ айёмга атаб “Она диёр тарихи” маросимини ўтказдилар.

Саъдулло БОБО олган суратлар.

“Тандирдан чиққан”

ЁКИ АЙРИМ АЁЛЛАР УЧУН ҲАЁТ МАЗМУНИГА
АЙЛАНГАН МАҚОЛЛАР

Эшитганингга ишон, кўрганингга қўш.

Гапнинг зўри — пичир-пичир.

Бировни қаргасанг, енгил тортасан.

Ақлига қарама, амалига қара.

Миш-миш гап шакардан ширин.

Умид қилдим — қолиб кетдим,

Ҳаракат қилдим — ўнтасига етдим.

Эр муштини емаган қўлларини белга тирар.

Биттасига осилдим — осилдим,

Ўнтасига осилдим — осилдилар.

Тўпловчи Э. САТТОРОВ.

ҲМ, ТАВБА...

Италиянинг шимолидаги Биелла шаҳри фоҳишалари озод меҳнат тунни ўтказдилар. Ўша тунда улар ўз мижозларига бепул хизмат кўрсатишди. Бундай сахийликнинг туб сабаби Африка қитъасидан ёпирилиб келаётган фоҳишаларнинг бозори чаққонлашиб, маҳаллий “заифа”ларнинг касодга учрагани бўлди. Кўча-кўйда дарбадар кезиб юрган “тунги капалаклар” орасида собиқ ССЖИ дан “учиб” келганлари ҳам талайгина.

Магаданда чиқадиған “Восток России” ҳафтаномаси антиқа янгилик эълон қилди. Ҳафтаноманинг ёзишича, 1917 йилдан бошлаб, собиқ ССЖИни калбошлар ва қалин сочилилар бошқариб келишган. Шахмат тартибидаги бу қоида ҳеч қачон бузилмаган.

Тўпловчи Абдуҳаким АҲМЕДОВ.



Айни пайтдаги жинойтчилик оламу унга қарши кураш, осойишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқимоқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкониятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ,

„Постда“

„Не посту“

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.

Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси — 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

■ Кўлемалар тахлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концерни
босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир —
54-37-91, муҳаррир ўринбосари —
39-77-23, масъул котиб — 59-26-56,
муҳбирлар бўлими — 59-20-92, уму-
мий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир —
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.

ЁШЛИК ҒУРЛИКМИ?

Бундан анча йиллар муқаддам юз билан юзлашаётган, кумушдек соқоллари кўксини беркитиб, юзларига қават-қават ажинлар соя ташлаган бир отахон билан суҳбатлашганим бор. Билмадим, у зот ҳозир ҳаётмилар ёки аллақачон жаннатмакон бўлиб кетганларми... Аммо ҳазин товушда айтган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглайди.

— Отам менга: “Алдансанг алдангин, аммо алдамагин”, — деб насиҳат қилганлар...

Ёш эканманда, ўшанда салкам бир аср умр кечириб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тоғиб улгурган қариянинг худди ёш боладек “Отам...” дейиши кулгимни кистатганди.

Тахминан ана шу суҳбатдан кейин кўп ўтмай яна бир воқеанинг шохиди бўлганман. Мол бозорига бориб, икки бош қўй сотиб олдик. Кейин бир отаравани еллаб, қўйларни уйга келтирганимиз. Аравакаш от устида, мен эса яёв қайтганман. Шу-шу юзлари қип-қизил, кўринишдан бакувват, аммо иккала қўли ҳам тинимсиз қаттиқ қалтираб турадиган олтиш ёшлардаги аравакаш суратию маънос оҳанда айтган ҳикояси хотирамга муҳрланиб қолган.

— Бирни кўриб фикр қил, ўрни кўриб зикр қил, — деганди ўша киши маънисиз йилтиллаб турган қўзларини ердан узмай. — Кўпнинг ҳақи ёмон экан, ука! Асли касбим ҳисобчилик. Кўп йиллар калхозда бош бугалтириб бўлиб ишладим. Ёганим олдимда, емагани кетимда эди. Катта гапириб, қуруқ кекириб юраверган эканман. Текин танангда яйрайди, деганлари рост деб уйлардим. Мана, оқибатини кўриб турибсиз...

Орадан йиллар ўтди ва бора-бора “Харомдан ҳазар” деган нақлнинг маъносини билиб, маъзини чақиб олдим.

Хизматим шунақа. Хоҳлайманми-йўқми, ҳуқуқ-тартибот ходимлари орасидан, жинойтчилик оламидаги турфа воқеалардан огоҳ бўлиб юраман. Қўшиб езиш, порахўрлик, ўғирлик, чайқовчилик каби қонунбузарликларга дуч келганимда, беихтиёр юқоридаги ўзим гувоҳ бўлган суҳбатлар едимга тушади. Кўпроқ жабрдийдаларга эмас, жабр кўрсатганларга раҳмим келади. Эҳтимол бу кимлар учундир кулгилidir, аммо шундай. “Эҳ, гофил банда, қўзларинг шунчалар сўқирмики, фақат оёғинг остини кўрасан”, — деган фикр ўтади ҳаёлимдан.

Ўтган йили Самарқанд вилоятининг Булунгур районидан мол ўғирлаш ҳоллари кўпайганди. Ерли аҳоли таҳликага тушиб қолгани ҳам рост. Бўлмасам-чи, битта молнинг баҳоси бозорда фалон минг сўм! Меҳнаткаш юртдошларим эса туй-маъракамга яраб қолар ёки бир қошиқ бўлса ҳам болаларимнинг оғзига сут-қаймоғини тутаман, деган умидда минг азоб билан ўт-ўлан ташиб, мол-ҳолини парваришлайди. Ўша молдан бир кундаёқ ажраб қолиш осон дейсизми?

ЎЗЛИГИНГНИ УНУТМА!

Ниҳоят милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари қутилган натижани берди: мол ўғирлашда гумонланган 8 киши қўлга олинди. Дастлаб тергов жараёнидаёқ бу кимсалар айбларига иқдор бўлишди. Қўзғатилган жинойи иш биринчи босқич бўйича якунланиб, судга оширилди.

— Урингиздан турунг, суд келяпти!

Жабрланувчилару гувоҳлар — қўйингки ҳамма-ҳамма “турр” этиб оёққа қалқди. Қора курсида терилиб ўтирган 8 нафар навқирон йигит ҳам. Уларнинг айлани шу пайтда бошқалардан фарқи — бошларининг эгиклигида, зеро ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Гапки шу ергача борган экан, келинг, уларни сизларга бир бошдан таништирай: Ғаниев Норбой Бозорбоевич — 1959 йилда туғилган, оилали, миллати ўзбек; Мурадов Рим Ягудович — 1957 йилда туғилган, бўйдоқ, миллати бошқирд; Абдурахмонов Абдували Мардонович — 1970 йилда туғилган, бўйдоқ, миллати ўзбек; Отамуродов Насриддин Уктамович — 1969 йилда туғилган, бўйдоқ, миллати ўзбек; Умаров Аввалбой Холбоевич — 1969 йилда туғилган, бўйдоқ, миллати ўзбек; Эшматов Садриддин Фаттоевич — 1970 йилда туғилган, бўйдоқ, миллати ўзбек; Чинникулов Жамол — 1970 йилда туғилган, бўйдоқ, миллати ўзбек; Халилов Баходир Ғайбуллаевич — 1959 йилда туғилган, тўрт нафар боласи бор, миллати ўзбек.

Буларнинг орасида Рим Мурадов ва Баходир Халиловларгагина қора курси янгилик эмас, муқаддам судланишган, бошқалар эса, инсон умрини оппоқ қорозга ўхшатадиган бўлсак, унинг юзи қорага чапланди.

Ишончим комилки, муштарийлар айбланаётганлар ҳақидаги маълумотларга кўз югуртираётиб, иккита нарсга эътибор қилдилар: бири улар аксариятининг ёшлиги, иккинчиси эса аксарияти ўзбек миллатига мансублиги.

Роппа-роса минг йил яшаб, узлатга узатилаётган анбиедан: “Шунча умр кўрингиз, бу дунё ҳақида фикрингиз қандай?” — деб сўрашганлариди, у киши: “Бу дунё гўёки икки эшикли уй экан, биридан кириб, иккинчисидан чиқиб кетаётгандекман”, — деб жавоб қилган эканлар.

У зот минг йил шу ёруғ жаҳонда нафас олганлар, биз-чи? Нар бора, 80-90 йил. Киприк қоқишга арзигулик, шундай эмасми? Шугина умрни ҳам расвои раддибало қилиб ўтказсак!

Бошқа миллатларни камситмаган ҳолда ўзбекларни гоёт тарбияли, гоёт андишали халқ деб айтишга журъатим бор. Бўлмасам-чи! Мақола бошида келтирганим — юз билан юзлашаётган бўлсада, “Отам... насиҳат қилган” деган қария яққол мисол бу фикримга. Яна бир гапни кўрқмасдан айта оламан: ўзганинг ҳақини еб қўйишдан ҳазар қилинади бизда. Чунки Қуръони Каримда шундай дейилган. Ўзбекон тарбиянинг маъзи ҳам шу.

Во дариг, ахир қора курсида терилиб ўтирган мана бу судланувчиларнинг етти нафари ўзбекку!!!

Наҳотки тарбияли халқимизнинг тарбияли авлодлари орасида бировнинг оғилида боглоқлик турган сигирини билдирмай етаклаб чиқиб кетадиганлар бор? Афсуски, шундай. Бунини шу районлик жабрланувчилар — Курол Ризқулов, Яхшибой Раҳимов, Нурилла Шерназаров, Зариф Сувонов, Курбон Ўсмонов, Анвар Хушвақтов, Шарбат Нортоевалар тасдиқлашди. Кўнгилга таскин берадигани миллатни таҳқирлаганларни миллатнинг ўзи лаънатлайди!

Бу сафар ҳам шундай бўлди: судланувчиларнинг айримлари “ешликлар учун, ғуриклари учун билмасдан жинойтга қўл урганлари”ни айтиб, енгиллик беришларини сўрашди. Аммо қонун — барчага баробар. Улар Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг тегишли моддаларига мувофиқ турли жазоларга ҳукм этилдилар.

Шу ўринда баъзилар: “Булар қамоқхонадан тарбияланиб чиқмайдилар, қайтанга “тажриба” ортириб келадиларку,” — дейишар. Бирор нарсга дея олмайман. Аммо мақоламнинг бошида айтилган қўллар қалтироқ аравакаш ҳаёлимдан кетмайди. “Эҳ, гофил, гумроҳ бандалар...” — дейман ўзимча...

Раҳмон АЛИ.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Шайхонтохур (аввалги Октябрь) районидан 39-ўрта мактаб томонидан шу йил Абдурахимов Муслима Уткуровна номига берилган А № 092588 рақамли саккизинчи синфини битирганлик тўғрисидаги шаходатнома;

Тошкентдаги савдо техникуми томонидан 1984 йилда Ненжурова Ҳалима Мухамедовна номига берилган № 108409 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божқармаси ва пойтахт вилояти ИИБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби божхона хизмати кичик нозир

САИДАКБАР НАЖИМОВнинг

хизмат бурчини адо этаётганда ҳалок бўлганлигини қайту билан маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.